

## **Жазо тайинлаш билан боғлиқ масалалар**

**Апелляция инстанцияси судининг жарима жазосини ахлоқ тузатиш тариқасидаги жазо билан қоплаш лозимлиги тўғрисидаги қарори Жиноят кодексининг 59, 61-моддалари талабига зид эмас.**

Жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2006 йил 26 июндаги ҳукмига асосан Х. Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазосига, 109-моддасининг 2-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари-470.000 сўм миқдорида жарима жазосига, ЖК 59-моддаси тартибида қўшиш йўли билан узил-кесил 2 йил ахлоқ тузатиш иши ҳамда 470.000 сўм жарима жазосига судланган ва жазоларни алоҳида ижро этиш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Х. қуйидаги ҳолатларда жиноятлар содир этганликда айбли деб топилган.

Х. 2006 йил 31 январь куни никоҳлари қонуний расмийлаштирилмаган Б. билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, қасддан қўли билан уни уриб, баданига ўртача оғир шикаст етказган.

Бундан ташқари, Х. 2006 йил 18 февраль куни яна Б. билан ўзаро жанжаллашиб, қасддан уни юз қисмига қўли билан уриб, соғлигини бузилишига сабаб бўлган енгил шикаст етказган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 31 июлдаги ажрими билан суд ҳукмининг Х.га нисбатан тайинланган жазо қисми ўзгартирилиб, унга узил-кесил 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раёсатининг 2006 йил 23 августдаги қарори билан вилоят прокурорининг жазолар нотўғри

қопланганлиги тўғрисида келтирган протести қаноатлантирилмай, апелляция инстанцияси ажрими эса, ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2006 йил 10 октябрда шу тўғрида Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари томонидан билдирилган протестни рад этиб, қуйидаги асосларга кўра, вилоят суди апелляция инстанциясининг ажримини тўғри деб топди.

Протестда келтирилган ишни апелляция ва назорат инстанцияси судларида кўриш чоғида Жиноят кодексининг 61-моддаси 2-қисми талабларига риоя қилинмаганлиги ҳақидаги важлар асоссиздир.

Чунки Жиноят кодексининг 59-моддаси 2-қисмида, агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу иш бўйича биринчи инстанция суди жазоларни қўшиш қоидасига, вилоят суди апелляция инстанцияси эса - жазонинг енгиллини оғири билан қоплаш қоидасига амал қилиб, улардан ҳар бири қонун ва ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилган. Бироқ биринчи ва апелляция инстанция судларининг содир этилган жиноятлар учун Х.га тайинланиши лозим бўлган жазо оғирлиги (тури ва миқдори) тўғрисидаги фикри турлича бўлган.

Маҳкумнинг шахсини ҳамда ишнинг муайян ҳолатларини инобатга олган ҳолда апелляция инстанцияси Х.га нисбатан Жиноят кодексининг 59-моддаси 2-қисмида назарда тутилган қоидалардан иккинчиси, яъни енгилроқ (жарима) жазони оғирроғи (ахлоқ тузатиш иши) билан қоплаш қоидасига амал қилиб, узил-кесил ягона жазо-ахлоқ тузатиш иши жазоси белгилаш етарли эканлиги ҳақида тўғри хулосага келган.

Апелляция инстанцияси ажримининг Жиноят кодексининг 61-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари жазолари алоҳида ижро этилиши лозимлиги тўғрисидаги қоидага зидлиги ҳақида протестда келтирилган важ, фақат ушбу жазолар суд томонидан қўшилгандагина асосли бўлар эди.

***ЖСҲ-259-06 сонли ажрим***